

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ШАРҚНИНГ МАНГУ МАСКАНИ

АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ШАРҚНИНГ МАНГУ МАСКАНИ

Методик-библиографик қўлланма

Тошкент – 2007

78.342

III 27

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи

У.Тешабоева

Муҳаррир

Ҳ.Маматраимова

Масъул муҳаррир

О.Қиличбоев

Матн терувчи

З.Жалилова

Шарқнинг мангу маскани: Метод.-
библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон
Миллий к-наси; Тузувчи У.Тешабоева; Муҳаррир
Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир О. Қиличбоев.-
Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси
нашриёти, 2007.- 40 б.

КБК 78.342

63.3 (5Ў-2 Самарқанд)

Ушбу методик-библиографик қўлланмада дунёнинг энг
кўхна шаҳри Самарқанд, унинг қадимий тарихи ва шу тарихнинг
бетакрор, ҳар қандай одамнинг ҳам қалбини ўзига ром этувчи,
умрбод мафтун қилувчи буюк намояндалари сиймоси, мовий
гумбазлар, муаззам миноралар ва ўлмас обидалар ҳақидаги
маълумотлар келтирилган. Уларни тарғиб қилишда ахборот-
кутубхона, ахборот-ресурс марказларида ўтказиш мумкин бўлган
тадбирлар туркуми ҳамда адабиётлар рўйхати берилган.
Қўлланмадан кутубхоначи ходимлар ва кенг китобхонлар оммаси
фойдаланишлари мумкин.

**© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2007 й.**

СЎЗ БОШИ

*Жаннат дарвозаси, Ер юзи кўрки,
Қон-қариндош янглиз миллатлар юрти,
Мовий гумбазлари бобомнинг бўрки,
Боболардан мерос қолган Самарқанд,
Ер юзига доврўқ солган Самарқанд.*

Оламда шаҳарлар, қўрғонлар кўп. Уларнинг ҳар бирининг ўз хусун таровати, гўзаллиги, жозибаси бор. Самарқанд деганда кўз ўнгимизда доимо унинг ўтмиши, бугуни ва келажagini ифодаладиган осори-атиқалари намoён бўлади. Тарихчиларнинг фикрича, Самарқанд шаҳар сифатида жуда эрта машхур бўлган. Бунга сабаб, аввало унинг Оллоҳ ато этган саҳоватли табиати, дунёнинг тўрт тарафи боғлаб турган савдо йўллари кесишган чорраҳада жойлашганлиги, аҳолисининг тадбиркорлиги, хунармандчилик ва савдода тенги йўқлиги ва афсоналарга айланиб кетган бойлиги бўлган.

Қадим шаҳар бағридаги обидалар асрлардан, минг йиллардан сўзлаб туради. Шаҳри азим Самарқанднинг юраги – Регистоннинг қуёш нурида жилоланаётган гумбазу минораларига боққан ҳар бир киши ундан баҳра олади. Самарқандга ташриф буюрганлар Гўри Амир макбараси, Исмоил Бухорий, Абу Мансур ал-Мотуридий ёдгорлик мажмуалари, Улуғбек, Тиллақори, Шердор мадрасалари, Бибиҳоним тарихий обидаси сари ошиқади. Ана шу кўҳна шаҳар бугун ҳам ўзининг қадимий тарихи, бетакрор осори-атиқалари билан жаҳон аҳлини лол айламоқда. Айниқса, шаҳар мустақиллик йилларида ўзгача чирой очди. Бугун Ер юзининг сайқали деб таъриф бериладиган шаҳар – она Самарқанд яна бир катта воқеа арафасида турибди. Президентимизнинг “Самарқанд шаҳрининг 2750 йилли-

гини нишонлаш тўғрисида” ги қарорига кўра, ана шу қутлуғ сана 2007 йилда байрам қилинади.

Қўлланма ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларида Самарқанд, унинг ўчмас тарихи, муаззам миноралари, ўлмас обидалари ҳақидаги адабиётларни тарғиб қилиш ва Самарқанд шаҳрига бағишланган тадбирларни: китоб-тақдироти, конференция, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, учрашув кечаси, китоб кўргазмаси кабиларни ўтказишда кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида тузилди ҳамда қўлланмадан кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

Шарқу ғарбни ёритган шаҳар

Самарқанд – илоҳий, сирли, мафтункор шаҳар. У – она юртимизнинг жонли тарихи. Ҳар бир қарич ерида бир аллома, бир авлиё, бир саркарданинг ҳоқи туроби ором олаётган тупроғи покиза, ҳавоси мусаффо, суви ширин, киши руҳига бардамлик бахш этиб, доим эсиб турувчи жонбахш шабадалари ухламайдиган юрт.

Бой тарихи, бетакрор маънавияти ва маърифати, маданияти билан дунё аҳли диққатини ўзига тортган Самарқанд – жаҳоннинг энг қадимий шаҳарларининг олдинги қаторларидадир. Олимлар уни қадимда Рим, Вавилон, Афина ва дунёнинг бошқа шу каби кўҳна шаҳарлари билан тенг ёшда, деб ҳисоблайдилар. Европа цивилизациясининг шаклланишида Рим қандай роль ўйнаган бўлса, Марказий Осиё тамаддунида, маънавият ва маърифат тарихида Самарқанд шундай юксак ўрин тутди. Шу боис ўрта асрлардан Шарқда оммалашиб кетган мақоллардан бирида “Ғарбда Рим, Шарқда Самарқанд” дейилади. Самарқанд ва Рим инсоният тақдиридаги буюк хизматларини назарда тутиб “Боқий шаҳарлар” номини олганлар.

Ҳалқ ибораси “Самарқанд сайқали рўйи заминаст” (Самарқанд ер юзининг сайқали) беҳуда айтилмаган.

“Самарқанд” сўзининг келиб чиқиши тўғрисида бир қанча тахмин ва гипотезалар мавжуд. Ҳақиқатга яқинроғи эса Мароканда - Самарқанднинг юнонча номи. Аслида Самарқанднинг қадимий номи Сўғд ёзма манбаларида “Смараканса” (Smarakansa) бўлиб, уни юнон тарихчилари Мароканда деб юнончага ағдариб олганлар. Самарқанднинг Мароканда номи 17 асрдан сўнг Европа тарихчиларининг асарлари орқали кириб келган. Юнон муаллифлари Арриан, Страбон ва Квинт Курций Руфларнинг маълумотларига кўра, милоддан аввалги 329 йилда Александр Македонский кўшинлари Ҳиндикушдан ошиб ўтиб, Марокандани забт этиб, вайрон қилган.

Квинт Курций Руф жумладан, бундай ёзади: “Тоғли қабиладан шикаст еган Искандар тўртинчи куни Мароканд (Самарқанд) шаҳрига етди. Шаҳар девори етмиш стадий узунликда бўлиб, Шаҳристон (ички қалъа) бошқа девор билан ўралган эди. У шаҳар мудрофааси учун минг нафар жангчини қолдириб, атроф-теварақдаги қишлоқларга ҳужум қилди: уларни талади ва ёндирди. Сўнг у Танаис дарёси сари юрди ва тўрт кун ўтиб Марокандга қайтди... У гўзал шаҳар бўлиб, атрофдан айланиб оқадиган дарё туфайли яхши муҳофаза этилган эди...” Диадорнинг ёзишича, Искандар 120 минг сўғдиёналикни қатл этган. Бу ерда беҳисоб бойлик тўплаб, юртига жўнатиб турган. Масалан, бир галги таланган бойликни юклаш учун ўн минг жуфт қўтос ва уч минг туя керак бўлган. Сўғдийлар ибодатхонасидан бир олишда 50 минг талант тиллани қўлга киритган...

Мароканда милоддан аввалги 8 асрдан то милоднинг 9 асригача сўғдийча Смараканса, сўнг форсийча Самарқанд, 9 асрдан туркийча Семизкент номи билан манбаларда учрайди. Кейинроқ Самарқанд номи шаҳарнинг мутлоқ номига айланди. Унинг Афросиёб номи эса шаҳарнинг

қадимий Қалъаи Ҳисор – Кўҳна қалъа қисмига нисбатан 17 асрдан бошлаб маҳаллий аҳоли томонидан ишлатила бошланган.

Самарқанд шаҳрини турли асрларда, юқорида айтиб ўтилганидек, македониялик Александр кўшинлари, Қутайба ибн Муслим бошчилигида араб кўшинлари, кейинчалик Салжуқийлар кўшинлари, мўғуллар ҳукмдори Чингизхон кўшинлари босиб олиб, вайрон қилганлар.

Самарқанд Амир Темур салтанати пойтахти сифатида меъморий жиҳатдан мислсиз даражада қайта юксалиб, янгидан қад кўтарди. Чунки мўғул истилоси даврида ер билан яқсон бўлган қадимий Афросиёб харобаларини аҳоли аллақачон ташлаб кетган, янги шаҳар оқар сувлари мўл бўлган паст текисликка кўчган эди. Амир Темур дастлаб шаҳарни Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Қоризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза номлари билан аталувчи 6 та дарвоза - Бобур айтганидек, узунлиги 16000 кадам, яъни тахминан 7-8 км мудофаа қалъа девори билан ўраб олди. Самарқанд ичкарасида жуда кўп маҳобатли бинолар-кўшқлар, хонақоҳлар, масжидлар, янги кўчалар, боғ-роғлар бунёд бўлди. Шаҳар атрофида маржондек кетма-кет жойлашган боғлар маскани-боғистон барпо этилди. Самарқанд Арки Олийсидаги Кўксарой ҳақида Бобур аниқ маълумот қолдирган: “Самарқанд Аркида Темурбек улуг бир кўшк солибдур, тўрт ошиёнлик (тўрт тарафидан кириш йўли пештоқ дарвозалик). Кўксаройға маълум ва машҳур олий иморатдур” (“Бобурнома”). Бобур, шунингдек, Бўстонсарой-Кўксарой кўшки атрофидаги чаманзор ҳақида маълумот берган. Боғи Шамол, Боғи Баланд, Боғи Беҳишт, Дилкушо каби чорбоғлар ҳам шу даврда яратилган. Дилкушо боғидаги сарой деворида Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган юриши тасвирланган. Самарқанд атрофи мудофаа девори билан ўралган.

Мудофаа деворининг кўриниши жойнинг микро- рельефидан келиб чиққан ҳолда эгри-бугри чизик кўринишида бўлиб, бу деворларни ўз кўзи билан кўрган Бобурнинг маълумотига кўра, унинг устида отлик бемалол юра олган. Шаҳар 2 қисм: ғарб томонда жойлашган арк ва ҳисордан иборат бўлган. Умумий майдони тахминан 4,1 км² бўлган. Шаҳар аркида 2 та дарвоза бўлиб, асосий дарвоза шарк томонда бўлган. Кейинчалик у оқ дарвоза номи билан аталган. Иккинчи дарвоза жанубда жойлашган.

Шаҳар дарвозалари бадий жиҳатдан замон руҳига мос тарзда улуғвор кўринишда қурилган бўлиб, пештоқларининг икки тарафида мустаҳкам миноралар бўлган, деворлари эса турли рангларда товланувчи ҳашамдор қопламалар билан безатилган.

Самарқанд салтанат пойтахти қилиб олингач, у алоҳида имтиёзга эга бўлган шаҳарга айланади. Самарқандда Исфажон, Шероз, Ҳалаб, Хоразм, Бухоро, Қарши ва Кеш шаҳарларининг меъмору бинокорлари қўли билан саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар қурилади. Худди шу даврда Шоҳизинда меъморий ёдгорликлари гуруҳининг Шодимулк оғо, Амир Ҳусайн, Ширинбека оғо каби ажойиб мақбаралари, ҳозирги вақтда Бибихоним номи билан машҳур бўлган Жоме масжиди, Гўри Амир даҳмаси ва бошқа бинолар қад кўтаради.

Самарқандда кўркам ва муҳташам бинолардан ташқари шаҳристон ёки рабоди дохилда турли-туман касбдаги ҳунармандлар маҳаллалари қад кўтарди. Амир Темур мамлакатда, хусусан унинг пойтахти Самарқандда ҳунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради. Испан элчиси Клавихонинг ёзишича, у ҳунарли бирор кишини ҳам Мовароуннаҳрни ташлаб кетишига йўл қўймаган. Аксинча, Амир Темурнинг амри-фармони билан Дамашқнинг энг моҳир тўқувчилари, Ҳалабнинг машҳур пахта йигирувчилари, Анқаранинг мовут тўқувчи корхона-

лари, Туркия ва Гуржистоннинг заргарлари, хуллас, кўп касб-хунар соҳиблари бошқа шаҳарлардан Самарқандга кўчириб олиб келинди. Ўша даврда шаҳарда турли дин ва мазҳаблардаги кишилар истиқомат қиларди. Клавихонинг маълумотиغا кўра, Самарқандда 150 мингдан зиёд аҳоли яшаган. Шаҳар майдони Испаниянинг Шиблия (Севилья) шаҳридан кенгроқ бўлган. Лекин унинг бу маълумотида шаҳар арки билан қалъа, яъни ички шаҳар қисмларигина кўзда тутилган ҳолос.

XVIII асрнинг 20 йилларида шаҳар инқирозга учраб, узоқ вақт бўшаб қолди. Шаҳардаги меъморий ёдгорликлар, жумладан, дарвозалар ҳам харобага айланди, кейинчалик эса умуман йўқ қилинди. Умуман олганда йирик шарқшунос олим В.В.Бартольд таъкидлаганидек, Амир Темур фикрига кўра, Самарқанд катталиги, гўзаллиги ҳамда теварак-атрофнинг обод этилганлиги жиҳатдан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устун турмоғи лозим эди.

Самарқандни археологик жиҳатдан ўрганиш ишлари XIX-асрнинг охирларида бошланган. 1895 йилда шарқшунос олим В.В.Бартольднинг ташаббуси билан тузилган “Туркистон археология хаваскорлари тўғараги“ аъзолари Самарқанддаги Афросиёбни кўп асрлар хазинаси деб қараб, унда кенг кўламдаги археологик қазилма ишларини олиб бордилар. В.Л.Вяткин, Н.И.Веселовскийлар ўтказган археологик қазилмалар натижасида турли ҳолдаги қадимий буюмлар топилиб, музейга берилди. 1908 йилда В.Л.Вяткин Самарқанд чеккасида жойлашган Улуғбек расадхонасининг ўрнини аниқлади ва қазилма ишларини ўтказди. Натижада расадхона харобаси ҳамда унинг ер остидаги бутун қолган қисми қазиб очилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистон ФАнинг Тарих ва археология институти олимларидан А.И. Терёножкин томонидан Афросиёбда жиддий дала тадқиқотлари ўтказилди. Натижада унинг энг пастки қатламидан

милоддан аввалги VI-V асрларга тааллуқли буюмлар, уй-жой харобалари топилди. В.А.Шишкин ва Я.Ғ.Ғуломовлар раҳбарлигида олиб борилган кенг кўламли археологик қазишлар натижасида қадимий маданий қатлам материаллари Афросиёбнинг бошқа жойларидан ҳам топилди. 1966 йил 13 июлда Афросиёбни археологик жиҳатдан комплекс ўрганишни ташкил этиш мақсадида Республика ҳукумати-нинг махсус қарори қабул қилинди. Унга кўра, Афросиёб “археологик кўрикхона” деб эълон қилиниб, уни ўрганиш ишига Тошкент ва Самарқанд давлат университетлари ҳамда Санъатшунослик институти ҳам сафарбар этилди. Аниқ илмий режалар асосида бошланган археологик тадқиқотлар туфайли нафақат шаҳарнинг кўп асрлик ёши, балки унинг турли даврлардаги тарихий топографияси, шаҳар таркиби, шаҳар ҳаётининг ривожланиш босқичлари, босқинлар туфайли юз берган бўронлар даври аниқланди. Самарқанд ихшидларининг шоҳона саройи очилди.

1970 йилда Самарқандда Ўзбекистон ФАнинг мустақил Археология институти ташкил этилди. Археологик қазишмалар натижасида Самарқанднинг ёши аниқланди ва 1970 йилда шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейи кенг нишонланди.

Мустақиллик йилларида археологик қазиш ва илмий тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида франциялик академик, шарқшунос археологлар Поль Бернар ва Франц Грене, ўзбек археолог олимлари профессор М.Исомиддинов, А.Анорбоев ва тадқиқотчи А. Отахўжаевлар билан ҳамкорликда ишладилар. Натижада, Афросиёбдаги энг қуйи маданий қатламларни ўрганиш жараёнида ер сатҳидан 10-15 м. чуқурликда милоддан аввалги IX-VII аср ўрталарига оид ашёлар топилди. Булар кўлда ясаб рангли нақш берилган сопол идишларнинг парчалари, 7 метр қалинликдаги гуваладан тикланган мудофаа девори қолдиқлари ва бошқалар. Топилган ушбу

намуналар Францияда радиокарбон тадқиқот усулида ўрганилди ва улар милоддан аввалги VIII асрга, яъни 2750 ёшга тааллуқлилиги исботланди.

Самарқанд бунёд бўлганидан бери у Ўрта Осиёнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта мавқега эга бўлиб келди. Шаҳарнинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги, бу ерда қадимдан хунармандчиликнинг шойи тўқиш, машҳур Самарқанд қоғози ишлаб чиқариш, кулолчилик, темирчилик, новвойлик, қандолатчилик, бадий каштачилик ва бошқа турлари ҳамда савдо-сотиқ ишларининг ривожига туртки бўлди. Самарқандда қадимдан равнақ топган хунармандчилик турлари маҳалла-гузарларнинг номларида сақланиб қолган. Масалан “Сўзангарон” (игна тайёрловчилар), “Камонгарон” (ўқ-ёй тайёрловчилар) ва бошқалар ҳозирги кунгача етиб келган.

Самарқанд заминида машҳур донишмандлар, алломалар вояга етган, жумладан Мирзо Улуғбек Самарқандда мунажжимлар мактабига асос солди, мадраса ва расадхоналар қурди. Унинг атрофида бутун бир илмий маскан – Улуғбек академияси таркиб топди. Бу академияда Ғиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи каби машҳур олимлар етишиб чиқди. Улуғбек академиясида амалга оширилган ишлар жаҳон фан оламида тан олинди.

Самарқанд қадимий тарихий ва меъморий ёдгорликлари туфайли бутун дунё тан олган ҳақиқий музей шаҳрига айланди. Шу боис республика ҳукумати қарори билан 1982 йилда Самарқанднинг Афросиёб шаҳристони, ўрта асрларда бунёд этилган меъморий ёдгорликлар ва XIX-XX асрларда қурилган “Янги шаҳар”даги бинолар, тарих ва ўлкашунослик музейлари асосида “Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий музей кўриқхонаси” тузилди. Ўша йили шаҳарнинг тарихий қисмини муҳофазалаш чегаралари белгиланди.

Самарқандда 73 та йирик тарихий-меъморий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, булардан: Регистон ансамбли, Шоҳи Зинда ансамбли, Амир Темур мақбараси, Улуғбек расадхонаси, Бибихоним жоме масжиди, Руҳобод мақбараси, Абдидарун мажмуаси, Ҳожа Аҳрор масжиди, Ҳазрати Хизр масжиди ва бошқалар сақланган. Шўролар даврида шаҳарнинг европаликлар яшайдиган қисми обод қилинди, аҳолиси ҳам кўчиб келувчилар ҳисобига ортиб борди. Эски шаҳар қисми эса ўз ҳолича ташлаб қўйилди, кўп меъморий ёдгорликлар қаровсиз қолиб, хароба ҳолига келиб қолди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий дафн этилган Чокардиза қабристон ҳудудида Мотуридий ёдгорлик мажмуи мазорига мақбара қурилди, қабристон обод этилди. Кўҳна ва навқирон заминда жойлашган ва иккинчи Каъба номини олган Хартанг қишлоғидаги Ҳожа Исмоил ал-Бухорий манзилгоҳи етти иқлимдан келаётган одамлар учун зиёратгоҳ бўлиб қолди.

Шаҳардаги тарихий обидалар Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон (Афина), Италия (Рим) ёдгорликлари каби ўзининг гўзаллиги, бетакрорлиги билан эътиборни ўзига тортади. Шунингдек, юртбошимиз ташаббусига кўра “Тошбошплан” ЛИТИ лойиҳа институти томонидан Самарқанд шаҳрини ривожлантиришнинг 2025 йилгача бўлган бош режаси ишлаб чиқилди. 2004 йилда Регистон ансамбли тўлиқ таъмирланди. “Чорсу” тарихий биноси шарқона анъаналарга монанд равишда қайта таъмирланди.

Бугун Самарқандга келган ҳар қандай меҳмон айниқса, хорижлик сайёҳ, энг аввало Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилади. Бибихоним, Ҳазрати Хизр тарихий обидаларига ташриф буюради. Улуғбек, Тиллақори, Шердор мадрасалари қаршисида қанчалик лол қолса, Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси зиёратида шунчалик хайратга тушади. Дунё донишлари томонидан “Инсоният тафаккури-

нинг шоҳ асари” дея баҳоланган Шоҳи Зинда ансамбли ўтган даврларда неча бор топталмади, неча бор ҳимояга олинмади. Мустақиллик йилларида Шоҳи Зинда гумбазларида қайта нур жилолана бошлади. 2004 йилда Вазирлар Маҳкамасининг “Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эса унинг умрбоқийлигига яна замин яратилди. Мажмуадаги қадимий обидаларни тиклаш, қайта таъмирлаш, асл ҳолатига қайтариш ишларига республикамизнинг барча ҳудудларидаги тажрибали меъморлар жалб этилди.

Мустақиллик йилларида Самарқандда кўплаб саноат корхоналари қурилди, эскилари қайта жиҳозланди, қўшма корхоналар ташкил қилинди. Самарқанд вилоятидаги мулкчиликнинг барча турига оид 135 йирик саноат корхоналарининг асосий қисми Самарқандда жойлашган. Булар “СамКочАвто” (автобус ва юк машиналари ишлаб чиқарилади), “Алпомиш” (тракторлар, гильза-поршенлар), “Тажриба-механика” (пармалаш ускуналари), “Кинап” (киноаппаратура) ва бошқалар.

Шаҳардаги энгил саноат корхоналаридан пиллакашлик, шойи тўқиш, трикотаж, тикувчилик, мебель, пойабзал фабрикалари, чинни заводи фаолият кўрсатади. Самарқанд вилоятида мустақиллик йилларида қурилган қўшма корхоналарнинг асосий қисми Самарқандда жойлашган. Булар: Ўзбекистон-Туркия “СамКочАвто”, “Ўзбекистон-Америка-Англия” “UzBAT”, Ўзбекистон “Прага” (минерал сув қадоклаш), Ўзбекистон-Латвия “Бравосут” қўшма корхоналари ва бошқалар. Шаҳар корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг аксари қисми чет элларга экспорт қилинмоқда.

Самарқанд олий ўқув юртлари, махсус билим юртлари, коллеж, академик лицей ва интернат мактабларида минглаб ўқувчилар, талабалар таълим олади. Шаҳар республика

ликанинг йирик фан марказларидан бири. Самарқандда педагогика академияси асосида ташкил топган СамДУ катта мавқега эга. Қоракўлчилик, Исаев номидаги боғдорчилик, тоқчилик ва виночилик, археология илмий-тадқиқот институтлари, Ўзбекистон ФАнинг Самарқанд бўлими турли йўналишдаги илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Самарқандда ахборот-кутубхона ва кўплаб ахборот-ресурс марказлари, Самарқанд бадиий музей-кўриқхонаси, 3 театр, шаҳар телестудияси фаолият кўрсатади.

Кўҳна шаҳарда нафақат мамлакат, балки дунё миқёсидаги кўплаб тадбирлар ўтказиш анъанага айланиб қолган. Улардан бири Президентимиз ташаббуслари билан ҳар икки йилда ташкил этилаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалидир. 2005 йилда бешинчи бор бўлиб ўтган мазкур нуфузли анжуманда жаҳоннинг 50 га яқин мамлакати вакиллари иштирок этишди.

Бу йил эса самарқандликлар олтинчи бор мусиқа фестивали иштирокчиларини қарши оладилар. Аҳамиятли томони -бу галги анжуман мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги ва кўҳна Самарқанднинг 2750 йиллиги тантаналарига уланиб кетади. Демак, дунёдаги энг қадимий шаҳарлар ўртасида ўзига хос шон-шухрат ва нуфузга эга бўлган шаҳарнинг қутлуғ тўйида бутун жаҳон санъаткорлари ҳам иштирок этадилар.

Ватанимиз тарихида тутган бекиёс ўрни, самарқандликларнинг асрлар давомида миллий фан ва маданиятимизни ривожлантиришга қўшган буюк ҳиссасининг эътирофи сифатида Самарқанд “Амир Темур” ордени билан мукофотланди ва 18 октябрь - Самарқанд шаҳри куни деб эълон қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд ўтмиш билан ҳозирги замонни ўзида мужассам этган жаҳонга машҳур ва маълум шарқона қиёфадаги гўзал, кўркам шаҳри азимдир, шунингдек муболағасиз айтиш мумкинки, ҳеч бир шаҳар Самарқандчалик ер юзининг сайқали бўла олмайди, “Қадимий ва навқирон” таърифини ололмайди.

“Самарқанд – олам гавҳари” Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади китобхонларни Шарқнинг қадимий шаҳарларидан бири ҳисобланган Самарқанд, унинг ўтмиши, бугуни, бой маданий ва маънавий тарихи, келажак абадий ҳисобланган юрт ҳақида ёзилган асарларни, манбаларни изчил ўқишлари орқали қизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашувни ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, магистрлар, аспирантлар танлаб олиниши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадиладар. Сўнгра тузилган саволлардан айримлари танланиб, ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Ўз навбатида билимдонлар учун тайёрланган саволларга оид керакли адабиётлар ва вақтли матбуот саҳифаларида нашр этилган мақолалар тайёрлаб қўйилиши шарт ва беллашув қатнашчилари шу манбалар билан албатта танишиб, уларни ўрганиб чиққан бўлишлари лозим.

Беллашув ташкил қилинадиган жойда мавзунини ёритиб берувчи китоб қўرғазмасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз:

1. “Самарқанд” сўзининг келиб чиқиши ҳақида нималарни биласиз?

(“Самарқанд” сўзининг келиб чиқиши тўғрисида бир қанча тахмин ва гипотезалар мавжуд. Шарқ муаллифлари “Самарқанд” сўзининг биринчи қисми, яъни “Самар” сўзи шу шаҳарга асос солган ёки шаҳарни босиб олган кишининг

номи билан боғлиқ деб айтадилар, лекин тарихда бундай исмли киши ҳақида маълумотлар йўқ. Сўзнинг иккинчи қисми “кент” (қанд) - қишлоқ, шаҳар деган маънони билдиради. XI аср олимларидан Абу Райхон Беруний ва Маҳмуд Қошғарий шаҳар номининг келиб чиқишини “Семизкент”, яъни “семиз қишлоқ” сўзининг бузиб талаффуз қилиниши деб тушунтирадилар. Ҳақиқатга яқини эса, бу антик муаллифларнинг асарларида шаҳарни – Мароканда деб аталишини айтиши мумкин, чунки Мароканда - Самарқанд атамасининг юнонча айтилишидир).

2. Араблар Самарқандни босиб олишлари ҳақида нималарни биласиз?

(712 йилда Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги араб қўшинлари Самарқандни эгаллайдилар. Ат-табарий келтирган маълумотларга кўра, қўзғолон кўтарган шаҳарликларнинг бир қисми қириб ташланган. Самарқандликлар шаҳристон (ички шаҳар)ни арабларга бўшашиб беришга мажбур бўлганлар. Улар шаҳристонда масжид ва минбар қурганлар. Маҳаллий аҳолидан тортиб олинган қимматбаҳо буюмлар ва олтин, кумуш билан безатилган санамлар (хилат ул-асном)ни эритиб 10 минг мисқол қимматбаҳо металл олинган).

3. Кимларнинг асарларида Самарқанднинг ёши қадимийлиги тўғрисида маълумотлар бор?

(Муҳаммад ан-Насафий “ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд”, Хайдар ас-Самарқандий (12-а.) “Қандияи Хурд”, Абу Тоҳирхожа Самарқандий “Самария”, Хитой тарихчиси Чжан Цян, юнон ва римлик тарихчилар Арриан, Курций Руф ва бошқа кўплаб муаллифларнинг асарларида бу ҳақида ёзилган).

4. Самарқанддаги тарихий меъморий ёдгорликларни биласизми? Улар нечта?

(Самарқандда 73 та йирик тарихий-меъморий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, булардан: Регистон ансамбли, Шоҳи

Зинда ансамбли, Амир Темур мақбараси, Улуғбек расадхонаси, Бибихоним жоме масжиди, Рухобод мақбараси, Абдидарун мажмуаси, Ҳожа Аҳрор масжиди, Ҳазрати Хизр масжиди ва бошқалар).

5. Самарқанднинг меъморий-тарихий ёдгорликлари қачон Жаҳон мероси рўйхатига киритилди?

(Самарқанднинг меъморий-тарихий ёдгорликлари 2001 йилда ЮНЕСКОнинг Финляндияда ўтказилган 25-сессиясида Жаҳон мероси рўйхатига киритилди).

6. Самарқанд Арки ҳақида қандай маълумотга эгасиз?

(Амир Темур даврида Самарқанд шаҳри атрофлари мустаҳкам ва баланд мудофаа девори билан ўраб олинган ва деворнинг ташиқи айлана қисми кенг ва чуқур ҳандақ билан мустаҳкамланган. Бу жой “Ҳисор” деб аталиб, унинг ғарбий қисмидаги табиий тепалик устига эса Арк қурилган. Арк жойлашган ҳудуд – 34 гектардан ортиқроқ бўлган. Самарқанд шаҳар Арки шаҳарнинг илгари Чингизхон вайрон қилган мудофаа деворини қайта тиклаш билан бир вақтда Амир Темур фармонида биноан 1371-1372 йилларда бунёд этилган. Самарқанд шаҳар Арки деворининг баландлиги 8 метр, пастдан эни 3 метрдан ортиқроқ қилиб тикланган).

7. Самарқанд Аркини қуришда қайси қурилиш материалларидан фойдаланилган?

(Самарқанд Арки ва ундаги биноларни қуришда пишиқ гишт ва хом гишт, мрамар тош, ганч, ёғоч ҳамда турли хил сирланган қошинлардан кенг фойдаланилган).

8. Самарқанд Арки ичида қандай бинолар жойлашган?

(Аркда ҳукумат идоралари, масжид ва мадрасалар, шоҳона уй-жойлар, 15 минг жилдли ноёб китобларни ўзида жамлаган улкан кутубхона, Амир Темурнинг хазинаси ва тахти, зарбхона, аслаҳасозлик устахоналари, ҳаммом, ҳовуз, зиндон ва бошқа бинолар жойлашган. Шунингдек,

унда маданий-маиший бинолар, сув иншоотлари, яшил зона, гулзорлар, хунармандчилик устахоналари, дўконлар ва савдо расталари тартиб билан жойлаштирилган. Энг асосийси эса Арк ичида давлатнинг асосий қароргоҳи бўлган Кўксарой ҳамда Бўстонсарой ҳам жойлашган).

9. Кўксарой ва Бўстонсарой ҳақида гапириб беринг.

(Кўксарой тузилиши жиҳатидан тўрт қаватли бўлиб, гўзал нақилари бетакрор бўлган. Ушбу саройнинг безакларида кўк зангори рангдаги сиркор кошинлар кўп ишлатилганлиги сабабли Кўксарой деб атаганлар. Унда салтанатнинг муҳим тадбирлари ўтказилган. Жумладан, хонни тахтга ўтқазishi ёки уни тахтдан олиши каби маросимлар, элчилар, шаҳзодаларни, олий мақомдаги меҳмонларни шу саройда қабул қилганлар.

Бўстонсарой – тузилиши ва қурилиши услубига кўра муҳташам ва гўзал. Бу оромгоҳда асосан ҳукмдорларнинг яқин кишилари, шоҳу вазирлар, уларнинг оила аъзолари яшаганлар. Шунингдек, бу яшил кошонада турли тадбирлар – базм ва тўй-томошалар, олий мартабали кишиларнинг тантанали учрашувлари ўтказилган. Элчи ва меҳмонлар шу ерда қабул қилинган).

10. Самарқанд дарвозалари ҳақида нималарни биласиз?

(Самарқанд шаҳридаги тарихий дарвозалар 6 та бўлиб, 1-дарвоза Шимолий томонда жойлашган Намозгоҳ деб аталиб, у XV асрда Шайхзода деб аталган, 2-дарвоза Бобул-Ҳадид деб аталиб, у XV асрда Оҳанин ёки Темир дарвоза дейилган. Шарқ томондаги 3-дарвоза Маишҳад деб номланиб, темурийларга мансуб бўлган аслзодалардан Феруз шоҳ номи билан Феруз дарвозаси деб аталган. Жанубий томонда 4-5 дарвозалар жойлашган. 4-дарвоза игна ясовчилар (сўзангарон) маҳалласи номи билан Сўзангарон деб аталган. 5-дарвоза эса аввал коризгоҳ, кейинчалик эса Хожжа Аҳрор номи билан аталган. 6-дарвоза гарбий

деворда арқдан жануброқда жойлашган бўлиб, Чорсу дарвозаси деб, кейинчалик Чорраҳа деб аталган).

11. Қуйидаги шеърдан парчанинг муаллифи ким?

*Пойтахт бўлган Самарқанд нечун?
Бирлашдилар бунда Фарбу Шарқ
Соҳибқирон хотиралари
Илк кўкламнинг кўкидаги барқ -
Шуурида чақнайди чақин,
Гўё тарих сўзлайди – оқин.*

(Қуйидаги шеър сеvimли шоиримиз Азим Суюн қаламига мансуб).

12. Нечанчи йилдан Самарқанд - шаҳар куни нишонлана бошлади?

(Президентимиз И.А.Каримов томонидан 1996 йил 18 октябрь Самарқанд-шаҳар куни деб эълон қилинган ва шу йилдан эътиборан 18 октябрь Самарқандда байрам тантаналари ўтказилиб келинади).

13. Самарқанд бадий музей кўриқхонаси таркибидagi музейларни биласизми? Санаб беринг.

(Музей-кўриқхона таркибига 8 та музей – Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейи (бош музей), Самарқанд вилояти ўлкашунослик музейи, Самарқанд шаҳар (Афросиёб) тарихи музейи, Улугбек расадхонаси ёдгорлик тарихий музейи, Садриддин Айний ёдгорлик уй-музейи, Каттақўрғон шаҳар тарихий ўлкашунослик музейи, Иштихон туман ўлкашунослик музейи, Пахтачи туман тарих музейи ва 6 та меъморий обидалар – Амир Темур мақбараси, Бибихоним жоме масжиди, Шоҳизинда ансамбли, Ҳазрати Хизр масжиди, Хўжа Дониёр мақбараси, Нодир Девонбеги мадрасаси киради).

14. Самарқанд шаҳри қачон “Амир Темур” ордени билан мукофотланди?

(1996 йил 18 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов фармони билан биринчилардан

бўлиб Самарқанд шаҳри “Амир Темур” ордени билан мукофотланди).

15. Абдурахмон Жомийнинг қайси асарида ўзининг Самарқанддаги ҳаёти акс эттирилган?

(Абдурахмон Жомийнинг Самарқанддаги ҳаёти ҳақида “Мирзо Ҳамдам” достони яратилган).

16. Самарқанддаги Ўрта Осиё меъморчилигининг ноёб ёдгорлиги ҳисобланган Регистон ансамбли ҳақида нималарни биласиз?

(Регистон ансамбли – Самарқанднинг Регистон майдонида 3 мадраса (Улуғбек мадрасаси, Тиллакори мадрасаси, Шердор мадрасаси)дан иборат меъморий мажмуа. Дастлаб Улуғбек мадрасаси (1417-1420) бунёд этилиб, кейинчалик унинг қаришисига Улуғбек хонақоҳи (1424), шимолга Мирзойи карвонсаройи, жанубга Алика Кўкалош Жума масжиди (1430) қурдирган, ёнида эса ёғочдан хотамкори услубида масжиди Муқайта ва Абусаид мадрасаси қурилган. XV асрнинг 20-40 йилларида Регистон ҳашаматли меъморий ансамблга айланган. XVII асрда Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодир вайрона ҳолатдаги Улуғбек хонақоҳи ўрнига Шердор мадрасасини, Мирзойи карвонсарой ўрнига Тиллакори мадраса-масжидини қурдирган).

17. Самарқанд илмий мактабини, яъни академиясини ким барпо этган?

(Самарқанд илмий мактабини-академиясини Мирзо Улуғбек барпо этган. Бу унинг қилган энг буюк ишларидан ҳисобланади. Бу илмий мактабда 200 дан ортиқ олимлар фаолият олиб борган. Улар орасида энг йириклари Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамиид Кошийлар бўлган).

18. Бу шеърдан парчанинг муаллифи ким?

*Самарқанд сувлари Оби ҳайратдир,
Оби Кўхак ила Оби Раҳматдир.*

*Бир қултум ичганни Ҳизр сийлайди,
Салсабилдан чиққан Оби жаннатдир.*

(Шеърнинг муаллифи Б.Бойқобилов).

19. Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?

(Улуғбек расадхонаси – Самарқанддаги XV аср меъморчилигининг нодир намуналаридан бири, кўҳна астрономик кузатув муассасаси. Мирзо Улуғбек фармойиши билан 1428-1429 йилларда Кўҳак (Чўпонота) тепалигида улкан цилиндр шаклида бунёд этилган. Унда ўндан ортиқ турли астрономик қурилма ва асбоблар бўлган. Расадхона ўрта асрларда асбоб-ускунаси жиҳатидан беқиёс бўлган. Улуғбекнинг энг йирик астрономик асарини “Зижи Кўрагоний” расадхонада яратилган. Расадхона ичига ўрнатилган жуда катта асбоб ёрдамида Қуёш, Ой, сайёра ва юлдузлар катта аниқлик билан ўрганилган).

20. “Амир Темур Аркининг қисмати” номли тарихий қисса муаллифи ким?

(“Зарафшон” нашриётида 1000 нусхада “Амир Темур Аркининг қисмати” номли тарихий қисса босмадан чиққан ва у самарқандлик кекса ёзувчи, бир нечта тарихий китоблар муаллифи, хизмат кўрсатган маданият ходими Болта Ортиқзода қаламига мансуб).

Машҳур сайёҳ ва элчи Руи Гонсалес де Клавихонинг “Кундаликлари”да Самарқанд

Кастилия (Испания) қироли Генрих III (1390-1406)-нинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо саёҳати 1403 йилнинг 22 майида бошланиб, 15 ой деганда у Самарқандга етиб келади.

Самарқанд ва унда Амир Темур тарафидан қурдирилган бинолардан баъзилари ҳақида Клавихо жумладан қуйидагиларни ёзади:

Самарқанднинг бойлиги ҳақида

“Бу юрт дон-дун, май, мева-чева, парранда гўшти, бошқа ҳар хил гўшт, кўйингки ҳамма нарсага бойдир... бир жуфт семиз кўйнинг нархи бир дукат” (Дукат-Испанияда ўша вақтда амалда бўлган олтин пул). Клавихо Самарқанд бозорларида буғдой ва гуручнинг мўллиги ва орзонлиги, шаҳар хунармандчилиги маҳсулотларини – атлас, кимхоб, ҳар хил ип ва жун тўқима моллар, мўйнали ва ипакли пўстинликлар, атторлик моллари, зиравор ва дориворлар, зарҳал ва ложувардлар ҳамда бошқа молларнинг сероблигини айтган.

Катта хиёбон ва савдо расталари ҳақида

“Самарқанд шаҳрида ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, Татаристон ва бошқа мамлакатлардан, шунингдек бениҳоят бой Самарқанд салтанатининг ўзидан келтирилган моллар сотилади. Шаҳарга келтирилган молларни бир сафда тартиб билан жойлаштириб сотадиган кенг жой йўқ эди. Подшоҳ икки тарафида қатор дўконлар жойлаштирилган савдо растасидан иборат кўча ўтказишни буюрди. Мазкур кўча шаҳарнинг бир чеккасидан бошланиб, қоқ ўртасидан ўтиб, иккинчи чеккасидан чиқиши лозим эди. Бу иш икки мирзога юкланиб, улар кечаю кундуз тинмай меҳнат қилдилар. Йўлга тушган уйлар кимники бўлишидан қатъий назар, бетўхтов бузилди. Кўчанинг икки тарафига дўконлар қурилди, ҳар бир дўкон олдида мармар билан қопланган юксак курсилар ўрнатилди. Ҳар бир дўкон иккита хонадан иборат эди. Кўчанинг тепаси гумбаз шаклида ёпилган бўлиб, ёруғлик тушиб турадиган туйнукчалар қўйилган. Шу йили (1404) Хонбалиқ (Ҳозирги Пекин шаҳри атрофида бўлган) шаҳридан қарийб 800 та туядан ташкил топган савдо қарвони Самарқандга келди”.

Самарқанддаги давлатнинг асосий қароргоҳи Кўксарой қасри ва ундаги подшоҳга тегишли қурол ишлаб чиқарувчи устахона ҳақида

“Шаҳар четида бир қаср бўлиб, теварак атрофи сув оқиб турган ҳандак билан ўралган бўлиб, қаср йўлаб бўлмайдиган истехком бўлиб қолган эди. Қасрда подшоҳнинг хазинаси сақланар, бу сабаб қозию қуззой ва унинг мулозимларидан бошқа ҳеч ким у ерга киролмас эди. Бу ерга подшоҳнинг фармойишига биноан бир мингга яқин хунарманд асирлар жойлаштирилиб, улар салтанат учун йил бўйи совут, дубулға, камон, найза ясайдилар”.

“Туркистон тўплами” саҳифаларида Самарқанд

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлимида “Туркистон тўплами” деб аталган ғоят қимматли мажмуа сақланади. 594 жилддан иборат бу мажмуа Осиё ва асосан, Туркистон тарихи учун катта илмий аҳамиятга эга.

“Туркистон тўплами”да Самарқанд, Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий тарихига алоҳида эътибор берилган. Унда Самарқанд тўғрисида кўплаб тарихчи, филолог, географ, иқтисодчиларнинг илмий мақола, китоблари ва саёҳат хотиралари тўпланган. Самарқанд масжид ва мадрасалари ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд. 1874 йилда Л.Н.Соболевнинг ёзишича, Зарафшон воҳасида 1500 мадраса ва масжид бўлиб, бир қанчаларининг ҳовлисида зиёратгоҳ жойлар ва қабрлар мавжуд (“Туркистон тўплами”, 90-жилд, 330-бет). Бу масжид ва мадрасаларда қуйи ва юқори босқичли мактаблар жойлашган, уларда ўқувчилар ва талабалар ўқитилган. Мадрасалар Самарқанд вилоятида, 1880 йилда 81 та (“Туркистон тўплами”, 248-жилд, 128-бет) бўлиб, уларни мутавали бошқарган. Самарқанд мадрасаларининг талабалари, Ўрта Осиёдаги бошқа мадрасалардаги каби, 3 тоифа-

га: куйи, ўрта ва олийга бўлинган. Самарқанд медресаларида талабалар 10 йил таълим олишган. Самарқанддаги “Тиллакори” медресасида ёзда-70, қишда-108, “Шердор”да ёзда-80, қишда-120, “Улуғбек”да ёзда-32, қишда-64 нафар талаба таҳсил олган (“Туркистон тўплами” 77-жилд, 456-бет).

Самарқанд қоғози ва Амир Темури кутубхонаси хақида маълумотлар

VII-асрнинг бошларидан XIX-асрнинг биринчи ярмигача Самарқанд ва унинг атрофида жойлашган устaxonаларда ишлаб чиқарилган қоғоз дунёга машхур эди. XV-асрда Самарқандда Обираҳмат сувининг жувозларида тайёрланган турли нав қозоғлар билан савдо қилувчи махсус дўконлар бўлган. Бобурнинг ёзишича, “Қоғоз тегирмонларнинг барчаси Кониғилдан келур. Андоқким Кониғил Сиёҳиоб дарёси яқинида жойлашган. Дунёда энг яхши қоғоз Самарқанддан келтириладур”. Қоғоз Самарқанд бозорларида сотилган (махсус “Қоғоз бозори” расталари бўлган). Узоқ юртлардан келган савдогарлар ҳам Самарқанд қоғозини сотиб олишган. Самарқанд қоғози ҳатто Хитойда ҳам машхур бўлган. Самарқандда тайёрланган қоғознинг энг сараси “қоғози султоний” деб юритилган. “Қуръони карим”, “Ҳадиси шариф” китоблари, “Хамса”, “Шоҳнома” каби асарлар шундай қоғозда ёзилган. Қоғозгар усталар муайян ташкилотга бирлашган ҳолда ишлашган. Шундай ташкилотлардан бирига Хожа Аҳрор бошчилик қилган. Ҳунармандлар қоғоз таркиби ва тайёрлаш усулини сир сақлашган.

* * *

Амир Темури дастлаб Шаҳрисабзда, сўнг Самарқандда қўлёзма китоблар тўпланган кутубхоналар барпо этган. Соҳибқироннинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига қилган юришлари вақтида қўлга киритилган нодир қўлёзма асарлар ҳам моддий бойлик сифатида,

қимматбаҳо ўлжалар қаторида Самарқандга келтирилган. Самарқанд кутубхонасида папирус қоғоз ўрамлари, бобилча сопол лавҳалар, жавоҳир бандакли китобларгача жамланган. Амир Темур вафотидан сўнг ушбу кутубхона Мирзо Улуғбек ихтиёрига ўтган. Улуғбек даврида кутубхона машҳур асарлар билан бойиган. Унда жами 15 минг жилдлик китоблар сақланганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Самарқанд кутубхонаси ўрта асрнинг ўзига хос хунармандчилик корхонаси бўлиб, уларда қўлёзма асарларни тўплаш ва сақлаш билан бирга, улардан нусхалар кўчириш, турли манзарали ранго-ранг тасвир ва нақшинкор лавҳалар билан саҳифаларни безаш ҳамда муқовалаш каби китобсозлик билан боғлиқ бир қанча амалий ишлар бажарилган. Бундай сарой кутубхоналарининг бошлиқлари “кутубхона доруғаси” ёки “китобдор” аталиб, унинг қўл остида кўплаб хушнавис хаттот, қўли гул наққошу мусаввирлар, моҳир лаввоҳу саҳҳофлар китоб яратишга оид турли буюртмаларни бажарганлар.

Самарқанднинг ёши нечада? мавзусида китобхонлар конференциясини ўтказиш сценарийси

Танлаб олинган мавзу бўйича китобхонлар конференциясини ўтказиш учун 1 ой олдин тайёргарлик ишлари бошланади. Бунинг учун аввал кутубхоналарда, муассасаларда, олий ўқув юртларида, мактабларда, жамоат ташкилотларида эълон ёзилади, таклифномалар юборилади. Конференция учун жой, яъни қироатхона танланади, мавзуга бағишланган адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади. Адабиётлар кўргазмасидаги асарлар юзасидан обзор ўтказиш айти муддаодир. Тингловчилардан конференция вақтида мавзу юзасидан туғилган фикр-мулоҳазаларини билдиришлари сўралади.

Конференцияга тарихчилар, археологлар, манба-
шунослар, шарқшунослар, геологлар, турли фан соҳалари
олимлари конференция ташкилотчилари томонидан таклиф
қилинади.

*Олиб борувчи қўйидаги сўзлар билан уни очиши
мумкин:*

Ассалому алайкум конференция қатнашчилари, азиз
меҳмонлар! Дунёда бир-биридан гўзал зебу зийнатга бой,
ўтмиши маънодор шаҳарлар кўп. Ҳар қайси нозикдид
инсонни ҳайратга соладиган мозий дурдоналари-сержило,
фусункор меъморий обидалар ҳам оз эмас. Аммо Самарқанд
асрларга сирдош ноёб тарихи, бугунги қиёфаси ва нураф-
шон келажаги билан барчасидан гўзал, пурмаъно шаҳар.
Зотан у шоирлар назмида ер юзининг сайқали, шарқ гавҳари
деб бежиз таърифланмаган. Бугун биз сизлар билан
Самарқанднинг бой ўтмиши, хусусан унинг ёши нечада
эканлигини билиш, шу мавзудаги фикр-мулоҳазаларни,
турли қарашларни эшитамиз. Самарқанднинг ёши, мана 35
йил бўлдики, расмий равишда 2500 йилдан иборат, деб
белгиланган. Бу сана 1970 йилда халқаро ЮНЕСКО
ташкilotи томонидан расмий равишда қайд қилиниб,
байрам сифатида тантанали равишда нишонланган. Лекин
маҳаллий зиёлилар, қатор олимлар Самарқанднинг ёши кам
деганда уч ёки тўрт минг йил билан белгиланиши керак, деб
ҳисоблайдилар. Шу хусусида, ҳозир сўзни йирик олим,
тарихчи _____га берамиз.

Марҳамат!

Тарихчи олим: Азиз конференция иштирокчилари,
ҳақиқатдан ҳам бундай қараш кўпроқ Шарқ манбаларига,
ривоятларига ва афсоналашиб кетган, аслида тарихий шахс
бўлган Афросиёб тарихига асосланар эди. Шунинг ҳам тан
олиш керакки, у пайтларда ушбу дунёқарашдаги кишилар-
нинг ихтиёрида тўла исбот бўларли археологик материаллар
етишмас эди. Археология фани ҳам ўтган асрнинг 40-йил-

ларигача у қадар ривожланган эмасди. Самарқанд воҳасида Тали Барзу ёдгорлигида қазишма ишларини олиб борган Г.В.Григорьев Ўрта Осиё археологларининг ичида биринчи бўлиб ёдгорликни қатламма-қатлам қазийди ва бундай услубда ишлаш бошқа археологларга ҳам намуна бўлади. Шундан кейин Афросиёда ва Тошкент воҳасида А.И. Тереножкин қазишмалар олиб бориб, “СочЧач” деган мақоласида Самарқанднинг энг қадимги даврлардан илк ўрта асрларгача бўлган тараққиётини кўрсатиб берди. А.И.Тереножкин Самарқанд ёшини 2500 йил, деб турган пайтда унга қарши чиққанлар ҳам бўлган. Масалан, ўша 60-70 йилларда Самарқанднинг муҳофаа деворлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган М.Пачос “Афросиёда ўрта асрлардан илгариги қатламлар йўк” деган хулосани айтган. Профессор И.И.Умняковнинг фикрига кўра, Самарқанднинг қадимги тарихи, яъни ёшини белгилаш учун шарқ манбалари етарли эмасди. Бу манбалар афсоналар билан аралашиб кетган, деган тушунча устувор эди. Афросиё даврига оид ёзиб қолдирилган манбалар бўлмаганлиги учун Самарқанднинг ёшини Александр Македонскийнинг Марказий Осиёга кириб келиши ва Самарқандни босиб олиш даври билан белгилаш урф бўлган. Александр Македонскийнинг йилномачилари Самарқанд ҳақида биринчи марта аниқ, батафсил ёзма маълумот қолдирган расмий тарихчилардир. Шундан келиб чиқиб, Самарқанднинг тарихи 2300 йилдан иборат, - дейди Умняков. Бундай асоссиз фикрга қарши “Самарқанд бутун дунёда енгилмас деб донг таратган А.Македонскийнинг сараланган кўшинларига қақшатқич зарба бериб, катта-катта талофатлар етказган машҳур шаҳар бўлса-ю, энди унинг тарихи шу фотиҳ томонидан забт этилишига қараб белгиланса, бу адолатданми?” деган мантиқни бошқа бир гуруҳ тарихчилар билдирган. Шундай бир пайтда таникли олим Иброҳим Мўминов бошчилигида республика олим-

лари тўпланиб, Самарқанднинг халқаро миқёсга молик юбилейини хурсандчилик билан ўтказиш учун икки хил дунёқарашдаги фикрлар, эътирозларни эътиборга олиб, ўртадан яхлит 2500 йиллик санани танлашди. Оқибатда ҳар икки фикр тарафдорлари ҳам бу хулосани қабул қилишга мажбур бўлдилар. Шундай қилиб, Самарқанднинг расмий тарихи 2500 йил, деб эълон қилинди. Ва 1970 йилнинг кузида Самарқанднинг 2500 йиллик тўйи тантанали равишда ўтказилди.

Олиб борувчи:

Домла, тўлик ва мароқли суҳбатингиз учун сизга катта раҳмат! ЮНЕСКО ташкил топганлигининг 60 йиллиги муносабати билан чақирилган Бош Конференциянинг 33-сессияси доирасида мазкур ташкилотнинг ташқи алоқалар бўйича комиссия йиғилишида 2006-2007 йиллар учун юбилей саналарини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди. Жумладан, ЮНЕСКО йилномаси саналари руйхатига Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик айёмини киритилганлигини ҳаммамиз биламиз. Нега энди 2750 йиллик тўйи, ваҳоланки 1970 йилда 2500 йиллигини нишонлаган бўлса, бирданига бундай сана деган савол туғилади. *Шу хусусида бизларга тарихчи _____ дан сўзлаб беришни илтимос қиламиз.*

Марҳамат.

Ассалому алайкум! Ҳақиқатдан ҳам, Самарқанд ёшини аниқлашда археолог олимлар асосан Афросиёб харобаларини ўраб турган мудофаа деворларининг ғишталарига асосланишган. Бироқ ўша энг қадимий деб ҳисобланган деворнинг тагида яна бир бошқа девор қолдиғи бўлиб, у деворга илгари ҳеч ким аҳамият бермаган экан. Деворларнинг тагидаги девор кейинги девордан фарқли ўлароқ, гувалаклардан тикланган экан. Бу қатламни археологлар кейин кашф этдилар ва Самарқанд тарихи ҳақида мавжуд хулосалар сўнгги ҳақиқат эмаслигини пайқадилар.

Мустақиллик йилларида бу борадаги ишлар янада кучайтирилди. Кўплаб қазилма ишлари натижасида, ер сатҳидан 10-15 метр чуқурликда жойлашган қатламлардан милоддан аввалги IX-VII аср ўрталарига оид ноёб ашёлар топилган. Бу, биринчидан, қўлда ясалган рангли-нақшли сопол идишларнинг парчалари бўлса, иккинчидан, гуваладан ясалган, қалинлиги 7 метр келадиган мудофаа девори қолдиқларининг топилишидир.

Самарқанд шаҳри ёшини аниқлашда ана шу аниқ маълумотларнинг аҳамияти беқиёс эди. Чунки гуваладан қурилган мудофаа девори Афросиёбнинг 19 гектарлик арк қисмини бутунлай ўраб олган. “Кўктепа” мудофаа девори тагидан олинган намуналар дунёда тан олинган Франция илмий-тадқиқотлар миллий марказига қарашли Жив-Сюр-Инвест шаҳридаги кучсиз радиоктивлик лабораториясида тадқиқ қилинган. Лаборатория тадқиқотларида Афросиёб қуйи қатламларидаги намуналар айнан милоддан аввалги VIII асрга, аниқроғи, 2750 йиллик қадимиятга тааллуқли эканлиги исботланди. Хуллас, археологик материаллар, жаҳонда тан олинган илмий лаборатория усуллари, сўнгги текшириш технологиялари асосида Самарқанднинг ёши 2750-3000 йилга тенглиги, Римнинг тенгдоши эканлиги, ҳозирги энг нуфузли халқаро илмий мезонларда аниқланди. Лекин бу ҳам барча саволларга нукта қўйилди, деган гап эмас. Самарқанднинг ёшини, топономикасини аниқлаш, янги-янги илмий тадқиқотлар олиб бориш муаммоси долзарблигича қолмоқда

Олиб борувчи: Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат. Сизлар билан биргаликда маърузаларни тингладик. Қани марҳамат, кимда қандай саволлар бор?

Савол: Тингловчи _____

Самарқандда олиб борилган қазилма ишларида қайси соҳа вакиллари қатнашган?

Тарихчи: Бу ишларни олиб боришда дунёга танилган франциялик академик олимлар, шарқшунос археологлар, жумладан Порл Бернар, илк ўрта асрлардаги Марказий Осиё худудларида тарқалган динлар бўйича йирик тадқиқотчи, профессор Франс Грене, қадимги ирригация, экология бўйича мутахассис, жуғрофия профессори Авер Жантель, швейцариялик истеъдодли олим Клод Рапен, қадимги кулолчилик бўйича мутахассис Бертилл Лионе, ўзбек археолог олимлари профессор М.Исомиддинов, А.Анорбоев, ёш олим, тангашунос А.Отахўжаевлар Афросиёбда режали равишда унинг энг қуйи маданий қатламларини диққат билан ўргандилар.

Олиб борувчи: Мана бугун биз сизлар билан Самарқанднинг тарихи қадимий ва бой эканлиги, ушбу табаррук замин ҳақида кенг ҳажмдаги фикр-мулоҳазаларга эга бўлдик.

Ҳурматли конференция меҳмонлари ва китобхонлар! Энди сизларни Самарқанднинг 2750 йиллигига бағишлаб ташкил қилинган адабиётлар кўргазмасига таклиф қиламиз.

**“Ўтмиши – шарафли, бугуни саодатли, келажаги
абადий” мавзусида китоб кўргазмаси тайёрлашнинг
тахминий режаси**

Кўргазма бир неча бўлимдан иборат бўлиши мумкин.

1. “Осмон остидаги мўъжиза”.

*Иккита қутбида икки пайгамбар,
Ўртада етмиш минг авлиё ётар,
Ҳу десанг, ҳу-ҳулаб етти пир етар.
Муқаддас руҳларга макон Самарқанд,
Ватан вужуд бўлса, иймон Самарқанд.*

Бу бўлимга Самарқанддаги минг йиллардан сўзлай-
диган қадимги меъморий ёдгорликлар ҳақидаги адабиётлар
қўйилади.

2. “Самарқанд: эски шаҳарнинг янги қиёфаси”.

*Назари тушмиш ул Соҳибқироннинг,
Гавҳари саналар буюк Туроннинг,
Улуғбек тарҳини чизган осмоннинг –
Ердаги машъали бўлган Самарқанд,
Ҳавоси машъали бўлган Самарқанд.*

Бу бўлимга ҳозирги кунда Самарқандда олиб
борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақидаги адабиётлар
қўйилади.

**3. “Ватан кўзгусида ўзинг хушсурат,
Самарқанд – мангу сен, топавер шуҳрат”.**

Бу бўлимга Самарқандни Ватанимиз, қолаверса дунё
миқёсида тутган туристик ўлка сифатидаги ўрнига бағиш-
ланган адабиётлар қўйилади.

“Кўхна Самарқанд” мавзусини китобхонлар орасида тарғиб қилиш мақсадида қуйидаги тадбирларни ўтказиш ва уларга тахминий мавзулар таклиф қилинади.

Мавзулар тахминий бўлиб, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари тадбирларнинг ўзи учун маъқул шаклини танлаб олиши, уларни маҳаллий материаллар билан тўлдириши мумкин.

Конференция

1. “Осмон остидаги мўъжиза”.
2. “Дунёга таралган ёғду”.
3. “Мовароуннахрнинг юраги”.
4. “Кўхна кадриятлар юрти”.

Мавзули кеча

1. “Бешигида авлиёлар ўсган шаҳар”.
2. “Аждодлар руҳи қўллагай”.
3. “Азизлар руҳини шод этиб”.
4. “Кўхна обидалар тилга кирганда”.

Тематик бадий кеча

1. “Самарқанд мозийдан сўзлагай”.
2. “Самарқанд – кеча, бугун, эртага”.
3. “Кўхна манзиллар нидоси”.
4. “Барака ва неъмат диёри”.

Билимдонлар беллашуви

1. “Самарқанд шаҳри дарвозаларини биласизми?”
2. “Самарқанд олимлар ва шоирлар шаҳри”.
3. “Самарқанднинг ёши нечада?”
4. “Самарқанднинг тарихий-меъморий ёдгорлик-лари”.

Учрашув кечаси

1. “Самарқанд мозийдан сўзлагай”.
2. “Ер юзининг сайқали”.
3. “Улуғбек расадхонаси ва Улуғбек академияси ҳақида мулоқот”.
4. “Самарқанд Амир Темур салтанатининг пойтахти”.

Оғзаки журнал

1. “Самарқанд тарихига бир назар”.
2. “Самарқанд миниатюра мактаби”.
3. “Сўғдиёнанинг илк шаҳарлари”.
4. “Сарбаланд Самарқанд”.

Давра суҳбати

1. “Асрлар меъморчилиги”.
2. “Бибиҳоним жоме масжиди безаклари”.
3. “Умр боқий ёдгорлик”.
4. “Бебаҳо ёдгорликлар мозийдан сўзлар”.

“Самарқанд – аллома ва шоирлар маскани” мавзусида ўтказиладиган тематик бадий кеча сценарийси

Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ёки бирор бир ташкилотнинг тантаналар зали ушбу тадбирга монанд безатилади. Кеча мавзусини ёритадиган адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади.

Кечанинг бошловчилари саҳнага “Самарқанд ушшоғи” куйи остида чиқиб келадилар.

*1-бошловчи: Ота боболаринг қабридир Ватан,
Аждоду авлодинг қадридир Ватан.
Ватандан азиз жой йўқдир Дунёда,
Тангри-таолонинг амридир Ватан!*

*2-бошловчи: Ватан менга муқаддас,
Самарқанду Кенагас.
Тошкенту Андижондек
Ўзбекистон бўлса, бас.*

Ассалому алайкум давраимизга ташриф буюрган азиз меҳмонлар! Бугунги кечамизга хуш келибсиз!

1-бошловчи: Азиз меҳмонлар! Бугун биз сизларнинг эътиборингизга “Боқий шаҳар” номини олган Самарқанднинг олиму-шоирлари, алломалари ҳаётига, ижодий фаолиятларига бағишланган “Самарқанд – аллома ва шоирлар маскани” деб номланган тематик бадиий кечани тақдим этамиз.

2-бошловчи: Жаҳон фани, адабиёти, санъати ривожидан Самарқандлик аллома ва шоирларнинг беқиёс хизматлари бор. Самарқанд–асрлар давомида буюклар бешиги, миллатнинг фахри ҳисобланган.

1-бошловчи: Ҳа, дарҳақиқат илм-фан, маърифат, маданият ўчоғи бўлган қадимий Самарқанд олиму-улаомлари, фозилу фузалолар, адолатли шоҳу ҳукмдорлар, муарриху мунажжимлар қадамжолари ва туғилиб ўсган муқаддас юртларидир. Асрлар давомида Самарқанд адабий ҳаётининг ўзига хос қатор хусусиятлари шаклланди. Икки тилда – ўзбек ва тожик тилларда ижод қилиш Самарқанд адабий ҳаётида асосий ўрин эгаллади.

Бугун кечамизда Эл севган адиб..... қатнашмоқдалар. Самарқанд ҳақида қисқача гапириб беришни улардан илтимос қиламиз.

(Саҳнага талаба-ёшлар чиқиб, ўзбек ва тожик тилларида Мавлоно Саккокий, Саидризо Ализода шеърларидан намуналар айтиб берадилар).

2-бошловчи: Самарқандда номлари дунёга машҳур Умар Хайём, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Саъдий Шерозий, Замахшарий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Биноий ва бошқа кўплаб шоир ва давлат арбоблари турли даврларда яшаб, ижод қилганлар.

1-бошловчи: Тўғри айтасиз. Улар Самарқанд заминда туғилиб ўсмаган бўлсаларда, ўз ижодлари билан Самарқандда адабий ҳаётнинг гуллаб яшнашига улкан ҳисса қўшдилар.

(Саҳнага миллий либосларда кийинган иккита талаба қиз чиқиб, Абдурахмон Жомийнинг Самарқанддаги ҳаётига бағишланган “Мирзо Ҳамдам” достонидан ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ғазалларидан парчалар ўқиб берадилар).

2-бошловчи: Биласизми, Зебунисонинг “Инжост” радифли ғазали, кейинчалик Масихо, Комил, Огаҳий ғазаллари билан “Самарқанд ушшоғи” яратилиб, айтила бошлаган.

Бизнинг даврамызда мақомчилар ансамблининг ҳофизи.....иштирок этмоқдалар. Ҳозирги навбатни уларга берсақда, “Самарқанд ушшоғи”ни ижро этиб беришларини илтимос қилсак. Марҳамат.

(Кўшиқ боиланиши билан саҳнага раққоса қизлар чиқиб, рақс ижро этадилар).

1-бошловчи: Раҳмат, ижодингизга ижод кўшилсин. Доим шундай давраларнинг меҳмони бўлиш сизга насиб этаверсин.

2-бошловчи: Ҳурматли кечамиз меҳмонлари! Шу билан бугунги “Самарқанд – аллома ва шоирлар маскани” номли бадий кечамиз ниҳоясига етди. Ўтиборингиз учун ташаккур.

1-бошловчи: Яна бир бор хуш келибсизлар азиз меҳмонлар.

(Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаеванинг “Самарқанд” номли кўшиғи янграйди).

Адабиётлар

Азим Суюн. Самарқанд: [Шеър] //Гулистон.-2006.-№2.-Б.26.

Бойтуллаев Р. Аробата мақбараси: [1024 йил илгари Самарқанд вилояти “Нарпай” тумани барпо этилгани хақида] //Соғлом авлод учун.-2001.-№10-11.-Б.42.

Бойтуллаев Р. Самарқанд арки: мозийга сафар //Мулоқот.-2005.-№6.-Б.36-38.

Дунёга таралган ёғду [Самарқанд вилояти ҳокими А.Мардиев “Марказий Осиё маданияти” газетаси савол-ларига жавоб беради] //Марказий Осиё маданияти.-1998.-18 март.

Жўраев Ҳ. Сайқалланиб бораётган шаҳар Самарқанднинг 2750 йиллигига ободончилик йўлида олиб борилаётган ишлари хақида //Маърифат.-2006.-5 авг.

Зиёдинов М. Самарқанд – олам гавҳари //Қишлоқ хаёти.-2002.-31 авг.

Истиклол ва истиқбол: Самарқанд – кеча, бугун, эртага //Қишлоқ хаёти.-1999.-13 июль.

Катгаев К. Азизлар руҳини шод этиб: [Шоҳи Зинда сингари зиёратгоҳларнинг нуфузини ошириш хусусида] //Халқ сўзи.-2004.-29 июль.

Мамасолиев Л. Осмон остидаги мўъжиза //Ўзбекистон овози.-1998.-17 окт.

Маҳаматмуродов Ў. Кўхна кадриятлар юрти //Тафаккур.-1997.-№1.-Б.36-37.

Насафий Абу ҳафс Қандия. Ёхуд китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд.-Т.: Минҳож, 2005.-88 б.

Нодиршоҳова И. Барака ва неъмат диёрлари: [Авлиё ҳазрати Башир хақидаги “Мири ҳақиқат” тарихий китобдан кичик воқеа Самарқанд ва Қашқадарёнинг таърифи хақидаги маълумотлар] //Ватанпарвар.-2003.-23 сент.

Норматов Ў. Ер юзининг сайқали: [Самарқанд сайёҳлар шаҳри ҳақида] //Ўзбекистон.-1998.-№1-2.-Б.34.

Одилов Б. Иштихон – саккиз ариқми? //Ишонч.-2003.-13 май.

Рафиқов С. Ер юзининг сайқали: [Самарқанд шаҳар хоқими Сухроб Рафиқов билан Самарқанд кунига бағишланган тадбирлар ҳақида суҳбат] / Суҳбатдош А.Кўзибоев] //XXI аср.-2006.-19 окт.

Самарқанд //Ўзбекистон миллий энциклопедияси 7-жилд. Парчин-солиқ / Таҳрир ҳайъати: А.Абдувоҳитов, А.Азизхўжаев, М.Аминов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашр., 2004.-Б.457-462.

Сарбаланд Самарқанд: [Мақолалар тўплами] /Саҳифани М.Зиёдинов тайёрлади //Қишлоқ ҳаёти.-2002.-21 март.

Сатторов А. Аждодлар руҳи қўллағай: [Самарқанд куни ҳақида] //Халқ сўзи.-1999.-16 окт.

Сатторов А. Самарқандликлар меҳнатининг эътирофи: [Самарқанднинг ҳозирги ижтимоий аҳволи] //Халқ сўзи.-2003.-18 дек.

Сатторов А. Ўтмиши-шарафли, бугуни саодатли, келажаги-абдий: 18 октябрь - Самарқанд куни //Халқ сўзи.-2003.-18 окт.

Сатторов Т. Самарқанднинг ёши нечада? //Халқ сўзи.-2005.-29 дек.

Сатторов Т. Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абдий шаҳар: [Самарқанд шахрининг 2750 йиллиги олдидан] //Халқ сўзи.-2006.-2 авг.

Темиров Ж. Самарқандда бир музей бор... [Маърифатпарвар шоир Ориф Гулханийнинг Самарқанд шаҳрида жойлашган уй-музеи ҳақида] //Миллий тикланиш.-2006.-13 дек.

Тўраев А. Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи сифатли хизмат - туризм ривожига асос //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.-2006.-№5-6.-Б.40-43.

Тўракулов З. Ватан кўзгусида ўзинг хушсурат, Самарқанд – мангу сен, топавер шуҳрат //Адолат.-2005.-22 июль.

Уралов А. Самарқанд шаҳри дарвозалари: [Самарқанд шаҳрининг турли даврлардаги деворлар ва дарвозаларини тадқиқ этиш ҳамда қайта тиклаш ҳақида] //Мозийдан садо.-2005.-№3.-Б.30-33.

Хамраев Ф. Шаҳарлар сарвари //Ўзбекистон овози.-2002.-17 окт.

Хамраев Ш. Самарқанд: эски шаҳарнинг янги қиёфаси: [Самарқанддаги мадраса, мақбара ва масжидларнинг таъмирланаётгани ҳақида] //Хуррият.-1998.-30 сент.

Худойқулов А. Мовароуннаҳрнинг юраги: [Самарқанд] //Халқ сўзи.-1992.-27 авг.

Ширинов Т. Шарқнинг мангу маскани: [Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан] //Халқ сўзи.-2006.-3 окт.

Шодиев Н. Нур ато этилган шаҳар: [Нурота ўлкамиз тарихида маданият, илм-фан ривожини учун ҳисса қўшган шаҳар хусусида] //Халқ сўзи.-2004.-23 июль.

Эшонов Б. Сўғдиёнинг илк шаҳарлари //Фан ва турмуш.-2000.-№3.-Б.12-13.

Эшонов Б. Қадимги Сўғдиёна тарихига доир айрим мулоҳазалар: тарих //ТошДУ хабарлари.-1998.-№1.-Б.47-52.

Қаршиев Ш. Самарқанднинг янги сайқали //Ўзбекистон овози.-2002.-15 авг.

Қурбонов Р. Мозий ва келажак кўприги: [Самарқанд шаҳрининг тарихий-меъморчилик обидалари ҳақида] //Ишонч.-2006.-6 июнь.

Қурбонов Ў. Шарқу Ғарбни ёритган шаҳар: [Самарқанднинг 2750 йиллигига бағишланади] //Миллий тикланиш.-2006.-23 авг.

Кўхна ва навқирон шаҳар байрами [18 октябрь Самарқанд шаҳар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ҳақида] //XXI аср.-2006.-19 окт.

Қураҳмедов А. “Туркистон тўплами”да Самарқанд //Фан ва турмуш.-2000.-№1.-Б.31.

Ғафуров Ш., Ўрозов А. Чашмадан сув ичадиган шаҳар //Халқ сўзи.-1999.-1 июнь.

Ғулом Ғафур., Тўраев Х. Мозий бағридаги санъат: хазина //Тафаккур.-1997.-№4.-Б.60-67.

Мундарижа

Сўз боши	3
Шарқу ғарбни ёритган шаҳар	4
Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар	14
Руи Гонсалес де Клавихонинг “Кундаликлари”да Самарқанд	20
“Туркистон тўплами” саҳифаларида Самарқанд	22
Самарқанд қоғози ва Амир Темур кутубхонаси ҳақида маълумотлар	23
Китобхонлар конференциясини ўтказиш сценарийси	24
Китоб кўргазмаси тайёрлашнинг тахминий режаси	30
Тадбирларнинг тахминий мавзулари	31
Тематик бадиий кеча сценарийси	32
Адабиётлар	35

Босишга рухсат этилди 2007 йил 1 Март
Бичими 60x84 ¹/₁₆ наshr. т. 2,5 Адади 300 нусха.
Буюртма № _____

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди